

“20 минг тадбиркор - 500 минг малакали мутахассис” дастури ижроси амалда



Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов иштирокида “20 минг тадбиркор - 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалиётга тадбиқ этиш бўйича семинар ўтказилди

“Зоом” платформаси орқали ташкил этилган семинарда туман ҳокимлари, соҳа мутасаддилари, ишбилармон тадбиркорлар иштирок этишди. Семинарда “20 минг тадбиркор - 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси, ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан масъулларнинг ахборотлари тингланди.

Семинар давомида тадбиркорлар қўллаб-қувватлаш, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиб, бандлигини таъминлаш, имтиёзли кредит маблағларини ажратиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, семинарда тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш, янги иш ўринларини яратиш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича вазифалар юкланди.